

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4883-сон қарорига асосан "Ўзбектелеком" АК  
томонидан олиб борилган ишлар тўғрисида 2021 йил 1 апрель ҳолатига маълумот

Т/р	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн. АҚШ долл. шундан давлат ташқи қарзи миқдори ва қарз берувчи номи	Ўзлаштирилган жами маблағ, шундан ташқи қарз маблағлари, млн. АҚШ долл.	Лойиҳа бўйича эришилган натижа
1	"Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш" лойиҳаси (1-босқич)		Лойиҳани амалга ошириш даври - 1994-1999 йиллар; Лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтириш, замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш; Эришилган натижалар: Республика телекоммуникация тармоғи замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтирилди. Амалга оширилган ишлар: - "Бухоро-Нукус" йўналишида 607,2 км оптик толали алоқа линиялари қурилган; - "Тошкент-Ангрен" йўналишида 203,3 км оптик толали алоқа линиялари қурилган; - республика бўйича жами 251 500 рақамли электрон телефон станциялари ўрнатилган; - "Тўрткўл-Урганч" йўналишида умумий узунлиги 30,6 км бўлган радиорелели алоқа линияси ташкил қилинган; - "Самарқанд-Қарши" йўналишида умумий узунлиги 375,7 км бўлган радиорелели алоқа линияси реконструкция қилинган, 8 дона радиоалоқа қурилмалари ўрнатилган; - "Ангрен-Фарғона водийси" йўналишида умумий узунлиги 422,5 км бўлган радиорелели алоқа линияси реконструкция қилинган, 10 дона радиоалоқа қурилмалари ўрнатилган.
	Лойиҳанинг умумий қиймати 117,77 млн АҚШ долл.	117,77	
	шундан ташқи қарз миқдори 117,77 млн АҚШ долл.	117,77	
	Қарз берувчи: Япония Ҳукумати томонидан «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида берилган Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик фонди (ОЕСФ)нинг 12 млрд 700 млн япон йени миқдоридаги имтиёзли кредити. (1 АҚШ доллари - 107,84 япон йени)		

	"Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш" (2-босқич) лойиҳаси		<p>Лойиҳани амалга ошириш даври -2001-2005 йиллар;          Лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтириш, замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш;          Эришилган натижалар: Республика телекоммуникация тармоғи замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтирилди. Бориш қийин ва узоқликда жойлашган аҳоли пунктларида замонавий телекоммуникация, мобил алоқа хизматларини кўрсатиш йўлга қуйилган.          Амалга оширилган ишлар:          - умумий сифими 37000 рақамли 44 дона замонавий рақамли телефон станцияси ўрнатилган;          - Қарши ва Фарғона шаҳарларида умумий сифими 5670 порт бўлган 2 дона шаҳарлараро телефон станцияси ўрнатилган;          - турли ҳудудларда жойлашган телефон станцияларини ўзаро билан улаш учун 238 дона узатиш тизимлари ўрнатилган, 2700 км дан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилган;          - "Тошкент-Фарғона водийси" йўналишида Қамчиқ довони орқали оптик толали алоқа линиялари қурилган.          Бунда Фарғона вилоятининг барча вилоят ва туман марказларигача оптик-толали алоқа линиялари қурилган;          - умумий сифими 20 000 рақамли электрон телефон станциялари ўрнатилган;          - 30 дона мобил алоқа база станциялари ўрнатилган;          -89 дона рақамли телевидение узаткичлари ўрнатилган;          -36 дона рақамли радио узаткичлар ўрнатилган;          -1000 км дан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилган.</p>
	Лойиҳанинг умумий қиймати 113,41млн АҚШ долл.	113,41	
	шундан ташқи қарз миқдори 113,41 млн АҚШ долл.	113,41	
2	<p>Қарз берувчи: Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси томонидан берилган 12 млрд 692 млн япон йени миқдоридаги имтиёзли кредити (1 АҚШ доллари - 111,91 япон йени)</p>		

3	"Магистрал ва мултисервиси маълумотлар узатиш тармоқларини DWDM технологияси асосида кенгайтириш" лойиҳаси		Лойиҳани амалга ошириш даври -2018-2020 йиллар; Лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтириш, замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш; Эришилган натижалар: магистрал ва мултисервис маълумотлар узатиш тармоқлари тезлиги вилоят марказларигача 200 Гбит/с.га, туман марказларигача 40 Гбит/с.га кенгайтирилди.
	Лойиҳанинг умумий қиймати 56,01 млн. АҚШ долл.	56,01	
	шундан ташқи қарз миқдори 52,12 млн. АҚШ долл.	52,12	
	Қарз берувчи: Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ва "Sumitomo Mitsui Banking Corporation" (SMBC) банкларининг 5 млрд. 994 млн. япон йени миқдоридаги имтиёзли кредитлари (1 АҚШ доллари - 115 япон йени)		
4	"Коммутация марказларини IMS (IP Multimedia Subsystem) технологияси бўйича такомиллаштириш" лойиҳаси		Лойиҳани амалга ошириш даври -2018-2020 йиллар; Лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавий рақамли технологиялар асосида кенгайтириш, замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш; Эришилган натижалар: тармоқлараро уланиш имконияти 23886 та Е1 рақамли портга кенгайтирилди; транспорт коммутация марказлари сифимида бир вақтнинг ўзида боғланиш имконияти 701,5 мингтага оширилди; 8 та РРЛ пролётда ускуналарни модернизация қилинди.
	Лойиҳанинг умумий қиймати 29,50 млн. АҚШ долл.	29,50	
	шундан ташқи қарз миқдори 28,49 млн. АҚШ долл.	28,49	
	Қарз берувчи: Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ва "Sumitomo Mitsui Banking Corporation" (SMBC) банкларининг 3 млрд 276 млн япон йени миқдоридаги имтиёзли кредитлари		